

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЛМУРАТОВА МУХАББАТ КУРАЛБАЕВНА

**БОШ ВА БЎЙИН СОҲАСИНИНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ КУЙИШИ
ОҚИБАТЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Халмуратова Мухаббат Куралбаевна

Бош ва бўйин сохасининг кенг кўламли куйиши оқибатларини
хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш 3

Халмуратова Мухаббат Куралбаевна

Совершенствование способов хирургического лечения последствий
обширных ожогов головы и шеи 27

Khalmuratova Mukhabbat Kuralbaevna

Improving the methods of surgical treatment of the consequences of
extensive burns of the head and neck 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЛМУРАТОВА МУХАББАТ КУРАЛБАЕВНА

**БОШ ВА БЎЙИН СОХАСИНИНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ КУЙИШИ
ОҚИБАТЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib578 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Каюмходжаев Абдурашит Абдусаломович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мадазимов Мадамин Муминович**
тиббиёт фанлари доктори

Фаязов Абдулазиз Джалилович
тиббиёт фанлари доктори

Ибадов Равшан Алиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий тадқиқот маркази» Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертация билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида (146-сон билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халқа йўли, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон» соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «куйишлар соғлиқни сақлаш соҳасида глобал муаммо ҳисобланиб, ҳозирги вақтда барча жароҳатлар орасида учинчи ўринни эгаллайди, бу йилига 1000 нафар аҳолига 2,2 тани ташкил этади ва кўрсаткичларга кўра, дунёда ҳар йили куйиш сабабли 6 миллион киши тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилади, шунингдек, 180000 киши куйиш натижасида вафот этади»¹. Куйиш жароҳати структурасида «бош ва бўйин соҳаси куйишларига алоҳида эътибор қаратилиб, у кўпинча юз, кўкрак ва елка бўғимлари соҳаси зарарланиши билан бирга учрайди ва узок вақт касалланиш, шифохонада даволаниш, кўримсизлик ва ногиронликка олиб келади, кўп ҳолларда жамиятда стигматизация ва хуш кўрмаслик кузатилади»². Юз ва бўйин соҳасининг куйиш оқибатларини даволашнинг замонавий концепцияси «куйиш касаллиги ривожланишининг оғирлик даражасини камайтириш ва ёки олдини олишга имкон берувчи, шунингдек, тери яхлитлигини тезкор тиклаш ва бемор ҳаёти сифат даражасини оширишга кўмаклашувчи эрта хирургик фаоллик» ҳисобланади³. Шу ўринда бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандикли деформациясини даволаш ва реабилитация қилишнинг рационал дастурини танлаш ўта муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади, чунки ҳозиргача жароҳлик аралашувининг техник жиҳатлари, зарурати ва муддати борасида яқдил фикр мавжуд эмас, бу эса ушбу муаммони ҳал этишда янги йўналишларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш учун кейинги илмий тадқиқотларни талаб қилади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар орасида тери-мусул пардаси лахтаклари янги модификациясининг биомеханик, гистологик ва морфологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда, эпителий, аввало тери тўқималарининг хужайра инженерияси масалалари, инсоннинг эпидермал кератиноцидларини экиш ва тананинг зарарланган қисмида тиклаш ҳамда кўчириш учун тўқима муқобилини шакллантириш тамойиллари муҳокама қилинмоқда, юмшоқ тўқималарнинг кенг кўламли нуқсонларида майда қон томир ва аксиал лахтаklar танловини аниқлаш таснифлари ишлаб чиқилмоқда, тўқима лахтакларини тананинг соғлом жойидан тайёрлашда уларнинг шакли, тузилиши ва эластиклигини ўрганишнинг биотехнологик усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари интенсив терапиянинг замонавий тамойиллари ва куйиш юзасидаги оқибатларнинг хирургик пластикасини жорий қилиш орқали куйиш жароҳатлари ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатлар бўлган

¹ World Health Organization. Injuries and violence: the facts 2018. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/burns>

² World Health Organization. Injuries and violence: the facts 2019. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/burns>

³ Abubakar, Muhammad Lawal, and Abdurrasheed Ibrahim. Management of facial burns: an update. Current opinion in otolaryngology & head and neck surgery. 2021; 29(4): 299-303. doi:10.1097/MOO.0000000000000723.

беморларни даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирларни камраб олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан трансплантация қилинадиган тўқима лахтагини танлашга тактик ёндашувларни, шунингдек, бош ва бўйиннинг куйиш жароҳатлари соҳасидаги чандикли нуқсонларни куйишдан кейин микрохирургик қайта тиклаш усулларини оптималлаштириш ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти сабаб пластик хирургиянинг, умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁵ МК бўлган беморларга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлири томонидан, жумладан

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁵ Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Abubakar ML, Ibrahim A. Management of facial burns: an update. *Curr Opin Otolaryngol Head Neck Surg.* 2021;29(4):299-303; Al-Qattan MM. One Pedicled Superficial Temporal Artery Hair-bearing Flap to Reconstruct Three Different Anatomical Areas of the Burnt Face: A Personal Technique. *Ann Plast Surg.* 2021;86(2):159-161. Ellabban MA, et al. Assessment of Freestyle Local Facial Perforator Flaps for Coverage of Facial Defects. *J Craniofac Surg.* 2021;32(2):122-125; Kobayashi E. New trends in translational microsurgery. *Acta Cir Bras.* 2018;33(9):862–867. Lernevall LST, et al. Parents' lived experiences of parental needs for support at a burn centre. *Int J Qual Stud Health Well-being.* 2021;16(1):1855749; Moris D, Cendales LC. Sensitization and Desensitization in Vascularized Composite Allotransplantation. *Front Immunol.* 2021;12:682180; Qaisi M, et al. Reconstruction for Complex Oromandibular Facial Defects: The Fibula Free Flap and Pectoralis Major Flap Combination. *Case Rep Surg.* 2019;2019:8451213. Schellenberg M, et al. Surviving Nonsurvivable Injuries: Patients Who Elude the 'Lethal' Abbreviated Injury Scale (AIS) Score of Six. *J Surg Res.* 2021;268:616-622. Sharma MK, et al. Use of Preexpanded Forehead and Neck Skin in Case of Giant Facial Hairy Naevus: Planning and Technique. *Indian J Plast Surg.* 2021;54(2):221-224. Sipilä M, et al. The four category systematic approach for selecting patients for face transplantation. *J Plast Surg Hand Surg.* 2021;1-8. Sun, Haiyang et al. Prefabricated Expanded Flap Combined With Expanded Scalp Flap for Total Face Resurfacing. *Annals of plastic surgery.* 2021. 86(2):265-268.

Division of Plastic Surgery, Department of Surgery, Ahmadu Bello University Teaching Hospital (Нигерия), Division of Plastic Surgery, Department of Surgery, King Saud University (Саудия Арабистони), Plastic and Reconstructive Surgery Unit, Surgery Department, Suez Canal University (Миср), Department of Hand Surgery, Plastic Surgery and Burns, and Department of Clinical and Experimental Medicine, Linköping University (Швеция), Department of Organ Fabrication, Keio University School of Medicine (Япония), Department of Plastic, Hand and Reconstructive Surgery, National Burn Centre, Haukeland University Hospital (Норвегия), Division of Plastic and Reconstructive Surgery, Rush University Medical Center (АҚШ), Department of Burns, Plastic & Reconstructive Surgery, PGIMER & DR. R.M.L. Hospital (Ҳиндистон), Department of Plastic Surgery, Helsinki University Hospital University of Helsinki (Финляндия), Department of Plastic Surgery, Hangzhou Plastic Surgery Hospital (Хитой), LOEX Centre of Université Laval, Tissue Engineering and Regenerative Medicine (Канада), Department of Plastic & Reconstructive Surgery, The Ninth affiliated Hospital of Shanghai Jiaotong Medicine University (Хитой), Division of Plastic and Reconstructive Surgery, Department of Surgery, Strong Memorial Hospital, University of Rochester Medical Center (АҚШ), Украина ТФМА «В.Т.Зайцев номидаги умумий ва шошишилч жарроҳлик институти» (Украина) ДМ, «А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббиёт тадқиқот хирургия маркази» ФДБМ (Россия), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон), В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) олиб борилган.

Дунёда бош ва бўйин куйишидан кейинги нуқсонлар бўлган беморларни периператив парваришlash сифатини ошириш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан бир қатор илмий хулосалар олинган, шу жумладан: тери куйиши жароҳати бўлган беморларда ҳужайра тузилмаларининг парчаланган маҳсулотлари ва маҳаллий йирингли-яллиғланиш жараёни маълум даражада касалликнинг клиник кечишини оғирлаштириши ва асоратлар прогнозини ёмонлаштириши аниқланган (Department of Plastic, Hand and Microsurgery and Burns, Ganga Hospital, Коимбатур ш, Ҳиндистон); трансплантация қилинадиган тери тўқималари қалинлиги ва куйиш жароҳатларидан кейинги дермопластикасининг ижобий натижалари ўртасидаги патогенетик боғлиқлик кўрсатиб берилган (Georgetown University Medical Center, АҚШ); кератиноцит ҳужайраларнинг куйиш яраларига «етказиб берилиши» донор жойи майдонини камайтириши ва қайта эпителизация жараёнини тезлаштириши кўрсатиб берилган (School of Chemical Engineering, University of Birmingham, Буюк Британия); субфасциал куйишнинг оғир кечиши куйиш жароҳатларининг ёмон натижаларини белгиловчи омил бўлиши исботланган (Department of Organ Fabrication, Keio University School of Medicine, Япония); чуқур анатомик тузилмаларнинг ҳалок бўлиши ва кўпол деформацияларнинг ривожланиши асоратларнинг бевосита сабаби эканлиги очиқ берилган (LOEX Centre of Université Laval, Tissue Engineering and Regenerative Medicine,

Канада); трансплантатнинг тўлақонли локал тери қопламасини яратиш йўқотилган жойни тўлиқ анатомик-функционал пластик тикланишига олиб келиши аниқланган (The Ninth affiliated Hospital of Shanghai Jiaotong Medicine University, Хитой); юз ва чаноқ суякларининг турли нуқсонларини бартараф этишда маълум бир тўқима лахтақларидан фойдаланиш зарурати жаррохнинг ташрихдан олдинги тактик ва техник стратегиясини чеклаши кўрсатиб берилган (Department of Burns, Plastic & Reconstructive Surgery, PGIMER & DR. R.M.L. Hospital, Ҳиндистон).

Ҳозирги вақтда дунёда реконструктив микрохирургияда бош ва бўйиннинг кенг кўламли куйишида ҳар бир нуқсонлар учун пластиканинг алоҳида усулларига йўналтирилган ташқи лахтақларни қоплаш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш энг долзарб тадқиқотлар бўлиб қолмоқда, бироқ пластик микрохирургия соҳасидаги техник ютуқларга қарамай, лахтақларнинг фақат бир нечта вариантлари техник жиҳатдан оддийлиги, марказий қон таъминотининг ишончлилиги, лахтақнинг катта ўлчами, юпқа ва мослашувчанлигига кўра кўплаб ноёб устунликларга эга бўлиб, бу бошнинг кенг ва очиқ нуқсонларини ёпа олади. Ушбу клиник жиҳатларни тадқиқ қилиш маҳаллий тўқима лахтақлар ауто трансплантациясининг имкониятлари тўғрисидаги замонавий қарашларни такомиллаштиради ва куйиш жароҳатларини пластик хирургияси муаммоларини янги ёндашувлари билан ўрганишга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реконструктив микрохирургиянинг ҳозирги ривожланиш даври турли вазиятда келиб чиққан бош ва бўйиннинг кенг нуқсонларини тиклаш учун ўз тўқималаридан фойдаланишнинг замонавий усули самарадорлиги ва ушбу технологияни ривожлантириш учун энг истиқболли йўналишни аниқлаш масалаларига эътибор қаратиш билан тавсифланади⁶. Kira Lundin ва ҳаммуал. (2014) маълумотларига кўра, «чуқур куйишлар бўйича ташрихларнинг 90% аутодермапластикага тўғри келади, хирургик ёрдам кўрсатишда эса кенг жароҳатли ва чекланган субфасциал жароҳат бўлган беморларда ҳам техник енгиллик ва қулайлик стандарт сифатида қабул қилинади»⁷. K.S. Amouzou ва ҳаммуал. (2020) тадқиқотларида кўрсатилишича «чуқур анатомик тузилмалар жароҳатланишининг аутодермапластикасига кўрсатмаларни белгилашда шаблон ёндашувли анъанавий усулларни мунтазам равишда такомиллаштириш ва янгилаб бориш зарур»⁸. S. Haddadi ва ҳаммуал. (2020) таъкидлашича, «тўқималар комплексининг микрохирургик ауто трансплантацияси кўп босқичли, узоқ муддатли ва баъзида кам самарали анъанавий даволаш усулидан воз кечишга имкон беради, бунга эса микрохирургиянинг замонавий имкониятлари, керакли микдорда пластик

⁶ Qaisi M, Dee R, Eid I, Murphy J, Velasco Martinez IA, Fung H. Reconstruction for Complex Oromandibular Facial Defects: The Fibula Free Flap and Pectoralis Major Flap Combination. Case Rep Surg. 2019;2019:8451213.

⁷ Lundin K, Reiband HK, Alsbjörn B. [Estimation of burn injuries]. Ugeskr Laeger. 2014 Sep 1;176(36):V04130258.

⁸ Amouzou KS, Hissein HA, Mokako LJ, Diouri M. Aesthetic Reconstruction Of Post-Burn Eyebrow Alopecia With A Superficial Temporal Island Scalp Flap: A Case Report And Review Of The Literature. Ann Burns Fire Disasters. 2020;33(4):329-333.

материални олиш билан эришилади»⁹. Юқори функционал ва косметик талаб билан боғлиқ бўлган жағ-юз соҳасидаги нуқсонларни ёпиш мураккаб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва шу ўринда регионар микрохирургик лахтаклардан фойдаланиш ишончли ҳисобланади¹⁰. Майда қон-томирлар анастомозининг иккита тўплами зарурлиги ушбу усулнинг камчилиги бўлиб, бу мутахассисларни лахтаклар комбинациясида асоратлар кўрсаткичини пасайтиришга эришиб, контралатерал томирлардан фойдаланишга катта эътибор қаратишларига сабаб бўлади (10%)¹¹.

Реконструктив микрохирургияни ривожлантиришда замонавий усулларнинг самарадорлигига, турли жароҳатларда кенг ва очиқ нуқсонларни тиклаш учун ўз тўқималаридан фойдаланиш ва ушбу технологияни ривожлантириш учун энг истиқболли йўналишларни аниқлаш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда¹². Марказий қон таъминоти билан лахтакларни шакллантириш кенг тарқалган усул бўлиб, бундай лахтаклар аксиал деб номланади ва тўғридан тўғри сегментар, марказий артерия ва артериал анастомоздан чиқувчи тери қон томирларидан қон билан таъминланади. Ушбу техниканинг ўзига хослиги тери-тери ости, тери-фасциал ва тери-мушак лахтакларидан фойдаланиш бўлиб, бунда лахтакларнинг узунлиги кенглигидан бир неча баравар ошиши мумкин. Y. Mochizuki, H. Harada (2017) маълумотларига кўра «лахтаклар комбинациясида контралатерал қон томирлардан фойдаланиш осон препарациялашга, шунингдек, такрорий ташрихларни талаб этувчи асоратларни камайтиришга (10%) имкон беради. Асосий чекловлар айланиш равоғи ва ташрихдан кейинги дисфагия ривожланиши билан боғлиқ»¹³. Demir Yiğit Y., Yiğit E. (2021) фикрича «тери-мушак аксиал лахтаклардан фойдаланиш қон-томир оёқчаларининг узунлиги ва уларнинг катта қалинлиги билан чекланади, бу майда анастомоз тромбози, лахтак четларининг некрози, лахтак ости соғасининг йиринглаши, чокларнинг сўтилиши ва имплантациядан сўнг аутологик тўқима хусусиятларининг ўзгариши сабаб лахтакни рад этилиши каби асоратлар пайдо бўлиши билан боғлиқ»¹⁴.

Кенг кўламли куйиш оқибатлари сабаб келиб чиққан бош ва бўйиннинг кенг кўламли нуқсонларини ёпиш ва тиклашда технологиялардан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ва клиник тажрибаларига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли омиллар ва асоратларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги фикрларнинг хилма-хиллиги кониқарсиз натижаларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади, бундай нуқсонларни бир

⁹ Haddadi S, Parvizi A, Niknama R, Nemati S, Farzan R, Kazemnejad E. Baseline Characteristics and Outcomes of Patients with Head and Neck Burn Injuries; a Cross-Sectional Study of 2181 Cases. Arch Acad Emerg Med. 2020 Dec 11;9(1):e8. doi: 10.22037/aaem.v9i1.948.

¹⁰ Belal A.A., Mohamed EM, M.D.; Mohamed IH, Mohamed OK. Regional Flaps in Coverage of Facial Defects: Our Experience. Egypt, J. Plast. Reconstr. Surg. 2018; 42(1): 45-53.

¹¹ Tripathi M., Parshad S., Karwasra R. K., and Singh V. Pectoralis major myocutaneous flap in head and neck reconstruction: an experience in 100 consecutive cases. National Journal of Maxillofacial Surgery. 2015;6(1):37-41.

¹² Kobayashi E. New trends in translational microsurgery. Acta Cir Bras. 2018;33(9):862–867.

¹³ Mochizuki Y., Harada H., Shimamoto H., Tomioka H., and Hirai H. Multiple free flap reconstructions of head and neck defects due to oral cancer. Plastic and Reconstructive Surgery Global Open. 2017; 5(6): e1337.

¹⁴ Demir Yiğit Y, Yiğit E. Flame burns. Dermatol Ther. 2021 Sep 16:e15133. doi: 10.1111/dth.15133.

вақтда ёпишнинг оптимал усулини танлаш эса соҳанинг ечилмаган муаммоси бўлиб қолмоқда, бунда қон-томир оёқчаларида аввалдан тайёрланган мураккаб тузилмали лахтақларни шакллантириш бўйича ишланмаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагиларнинг барчаси ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни давом эттириш заруратини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.3.8 «Бош чаноқ суяклари ва юмшоқ тўқималарининг кенг кўламли нуқсонлари пластикасининг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 й.).

Тадқиқотнинг мақсади майда қон-томир ва аксиал лахтақларни кўллашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш орқали бош ва бўйин соҳасининг кенг кўламли куйиш оқибатларида пластик хирургик аралашувлар натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош ва бўйиннинг функционал фаол соҳаларида куйишдан кейинги чандиқли нуқсонларни баратараф этишнинг бошқа усулларига нисбатан лахтақларнинг майда қон-томирли аутотрансплантацияси афзалликларини баҳолаш;

юмшоқ тўқимали лахтақларнинг микрохирургик аутотрансплантацияси клиник самарадорлигини баҳолаш;

бош ва бўйин соҳасининг куйишдан кейинги кенг ва чуқур чандиқли деформациялари пластикаси учун аксиал лахтақларни тайёрлаш усуллари ишлаб чиқиш;

чўзилган тери-фасциал дельто-пекторал лахтақ билан бошнинг кенг кўламли чандиқли нуқсонлари пластикаси усулини такомиллаштириш;

олдидан тайёрланган бўйлама тери-фасциал-тоғайли лахтақни тажрибавий моделлашда тоғайли имплантат васкуляризациясининг тикланиш хусусиятларини аниқлаш;

тоғайли тузилмалар жароҳатланишли бош ва бўйин соҳасининг чандиқли нуқсонлари пластикаси усуллари такомиллаштириш;

таклиф этилган аксиал лахтақлар билан платика қилиш усули натижаларини аниқлаш;

бош ва бўйин соҳасининг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари реконструкциясининг клиник самарадорлигини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

аксиал лахтақлар билан (микрохирургик анастомоз билан ва табиий озиклантирувчи оёқчаларда трансплантация қилинган) пластика қилишнинг турли шаклларида фойдаланишнинг клиник-функционал натижадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1995 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бош ва бўйин соҳасининг кенг

кўламли куйиш оқибатлари туфайли режали тартибда микрохирургик ва аксиал тўқимали лахтақлар билан турли шаклдаги пластика амалга оширилган 114 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бош ва бўйин соҳасининг кенг кўламли куйиш оқибатларини пластикасида майда қон-томирли ва аксиал лахтақлардан фойдаланишнинг такомиллаштирилган тактик-техник жиҳатлари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, экспериментал, гистоморфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

торақдорзал ёки курак лахтақларининг қон-томир оёқчаларини курак ости артериясини қўшиш орқали узайтириш бош ҳамда бўйин соҳасининг реципиент қон-томирлари билан «охирини-охирига» туридаги калибри бўйича оптимал анастомозни шакллантиришга имкон бериши ва шу билан, магистрал қон айланиши сақланиб қолиниши эҳтимолини ошириши аниқланган;

микроанастомозларни шакллантиришда уларда тромбозларнинг ривожланишига олиб келувчи техник жиҳатлар сифатида майда чокларни ҳаддан зиёд ортиқча ёки етарлича тортмаслик, шунтларни таранг холда шакллантириш, камераларнинг гофрирланиши, чоклараро оралиқ масофанинг бир хиллигини бузилиши, қон-томир деворларининг барча қатламларини чокда бирлаштирмаслик эканлиги исботланган;

бош ва бўйин соҳаларининг куйишидан кейинги кенг ва чуқур чандиқли деформацияларини лахтақни мустаҳкамлаш босқичида локал ва масофавий ишемик прекоңдиционирлаш ҳисобига локал қон айланишини яхшиланиши билан тавсифланувчи аксиал лахтақлар билан пластика қилиш усули такомиллаштирилган;

энса қисмидан кесиб олинган қўшимча қарама-қарши лахтақни тикиш йўли билан узайтирилган, озиклантирувчи оёқчада тери-фасциал дельто-пекторал лахтақ шакллантириш орқали бошнинг кенг чандиқли нуқсонларини пластика қилиш усули такомиллаштирилган;

олдиндан тайёрланган тери-фасциал-тоғайли лахтақнинг тажрибавий моделини шакллантиришда трансплантатнинг ҳам юмшоқ тўқимали тузилмаларида, ҳам бевосита тоғай устки қисмида микроциркуляцияни адекват тикланиши билан неоваскулогенез жараёнларининг биргаликда кучайиши исботланган;

биринчи босқичда каркас сифатида аутоқовурғали тоғай имплантацияси билан чакка фасциясидан олинган лахтақни қўллаш ва иккинчи босқичда уни кўтариш ҳамда кулоқ супраси тузилмаларини шакллантириш билан тавсифланувчи кулоқ супрасининг куйишдан кейинги деформациясини қайта тиклаш усули ишлаб чиқилган;

юмшоқ тўқима-тоғайли комбинацияланган нуқсонларни бир вақтда пластикаси учун имплантацияланган аутотоғай билан озиклантирувчи оёқчада мураккаб таркибли аксиал лахтақларни қўллаш имкониятига йўналтирилган

бош ва бўйин соҳаларининг чандиқли деформацияларини пластика қилиш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

торакодорзал ёки курак лахтақларини шакллантиришда қон оқимиға куракости артериясини транзит тарзда киритиш қон айланишини сақлаб қолиш эҳтимолини ошириши ҳамда мос равишда тромбоз ва юмшоқ тўқимали аутоотрансплантат некрози ривожланиш хавфини камайтириши исботланган;

бир босқичда реципиент соҳалар васкуляризацияси билан юмшоқ тўқималарнинг кенг кўламли нуқсонларини бир вақтнинг ўзида қоплаш имконияти, шунингдек, бош ва бўйиннинг функционал фаол жойларида чандиқли нуқсонларни бартараф этиш – лахтақларни майда қон-томирли аутоотрансплантациясининг бошқа турлардаги пластикадан асосий афзал томонлари эканлиги аниқланган;

аксиал лахтақлар билан пластика қилишнинг таклиф этилган усули ташрихнинг тайёрлов ва реконструкция босқичларида ишемияға чидамлилиқни ошириши, некротик асоратлар ривожланиш эҳтимолини, шунингдек, лахтақларнинг битиш жараёнларини қисқартириши исботланган;

узайтирилган кўшалок дельто-пекторал-энса лахтақидан фойдаланишнинг таклиф этилган усули ташрихнинг реконструктив босқичи жароҳатлилигини камайтириши; ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиши хавфини пасайтириши ва пластиканинг косметик натижасини яхшилаши аниқланган;

аксиал тери-фасциал-тоғайли лахтақни шакллантиришда реконструктив ташрихни амалға ошириш учун оптимал муддат сифатида 28-30-кунда тоғайли имплантатда микроциркуляциянинг тўлақонли тикланишини тасдиқлаш билан неоваскулогенез жараёнларининг морфологик хусусиятлари очиб берилган;

имплантацияланган тоғай бўлағи билан мураккаб таркибли лахтақларни шакллантиришнинг таклиф этилган усулини қўллаш тоғайли асос (бурун, кулоқ супраси, трахея) жароҳатланган чандиқли нуқсонлар пластикасида функционал ва эстетик натижалар сифатини яхшилаш имконини бериши исботланган;

бош ва бўйиннинг қуйишдан кейинги кенг кўламли нуқсоларини бартараф этишда реципиент соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ва пластик хирургия турли усулларининг тактик-техник жиҳатларини ҳисобға олган ҳолда кўрсатмаларни аниқлаштиришға имкон берувчи реконструктив аралашувларнинг клиник самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари ва замонавий ташхисот усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламлари тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ва таклифлар назарий аҳамиятға эға бўлиб, лахтақларнинг битиш жараёнларини яхшилашға ва некротик асоратлар ривожланиш эҳтимолини қисқартиришға

имкон берувчи неоваскулогенез жараёнларини морфологик хусусиятлари ва кучайишини аниқлаш, микроанастомозлар тромбозларини ривожлантирувчи омилларни ўрганиш, масофавий ишемик прекоңдиционирлаш ёрдамида махаллий қон айланиши ва микроциркуляция интенсивлигини ошириш орқали бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги кенг ва чуқур чандиқли деформациялари пластикасида тўқима лахтақларини шакллантириш тамойиллари тўғрисидаги мавжуд қарашларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар асосида пластик хирургия турли усулларининг тактик-техник жиҳатлари оптималлаштирилганлиги, бош ва бўйиннинг кенг ва чуқур куйишдан кейинги чандиқли деформацияларида торақдорзал ёки курак лахтақларини шакллантиришда қон оқимида қўшимча артерияларни транзит киритиш орқали ташрихларнинг тайёрлов ва реконструктив босқичларининг хусусиятлари очиқ берилганлиги, реципиент соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатмаларни аниқлаштириш билан лахтақларни майда қон-томирли ауто трансплантациясининг бошқа турдаги пластикадан афзал томонлари аниқланганлиги, ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиши хавфини камайитириш ва пластиканинг функционал-эстетик натижаларини яхшилаш имконини берувчи реконструктив аралашувларнинг клиник самарадорлиги кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош ва бўйиннинг кенг кўламли куйиши оқибатлари бўлган беморларга юқори технологияли хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бошнинг комбинацияланган юмшоқ тўқима-тоғайли нуқсонларини пластика қилиш усули» такомиллаштирилган (Ихтирога патент № IAP 06522, 30.06.2021 й.). Таклиф этилган усул буруннинг тоғай нуқсони, ёноқ-бурун соҳасининг кенг очиқ нуқсонини бир вақтнинг ўзида пластика қилиш ва мақбул функционал ва эстетик натижага эришиш имконини берган.

«Қулоқ супрасининг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонини реконструкция қилиш усули» такомиллаштирилган (Ихтирога патент № IAP 06521, 30.06.2021 й.). Аутоқовурғали тоғай имплантацияси билан олдиндан тайёрланган мураккаб таркибли лахтақларни қўллашнинг таклиф этилган усули реконструкция босқичлари сонини қисқартириш ва қулоқ супрасининг куйишдан кейинги чандиқли нуқсони реконструкцияси натижаларини яхшилаш имконини берган.

бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чуқур ва кенг чандиқли нуқсонларини пластикаси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чуқур ва кенг чандиқли нуқсонларини аксиал лахтақлар билан пластика қилиш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги № 08-23326 маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар, васкуляризацияни яхшилашнинг ҳамда бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги нуқсонлари пластикаси учун аксиал лахтақлар

имплантациясининг таклиф этилган усулларида фойдаланиш пластиканинг реконструктив босқичларининг қўшимча ва умумий сонини, ўзига хос асоратлар ривожланиш частотасини қисқартиришга имкон берган.

Бош ва бўйин соҳаларининг кенг кўламли куйиши оқибатлари бўлган беморларга кўрсатиладиган хирургик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарканд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги № 08-23326 маълумотномаси). Бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги нуқсонлари пластиканинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш ташрихдан кейинги даврнинг асоратларсиз кечиши улушини 64,7%дан 90,4%гача оширишга, қониқарсиз функционал ва эстетик натижалар частотасини 17,6% дан 1,4%гача камайтиришга ($p < 0,05$), шифохонада бўлиш давомийлигини $25,2 \pm 8,0$ дан $20,7 \pm 6,6$ кунгача қисқартиришга ($p < 0,001$) ва пластиканинг барча босқичлари умумий давомийлигини $70,2 \pm 42,3$ дан $43,9 \pm 26,6$ кунгача камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 240 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, объект ва предметлар тавсифланган, тадқиқотнинг фан ва технологиянинг устувор йўналишларга мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши маълумотлари очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Бош ва бўйиннинг кенг куйиш оқибатларини хирургик даволаш**» деб номланган биринчи бобида замонавий соғлиқни сақлашда куйиш жароҳатларининг ижтимоий-тиббий жиҳатларига, бош ва бўйиннинг куйиш жароҳатлари оқибатларини майда қон-томир ҳамда аксиал лахтақлар билан хирургик даволаш хусусиятларига бағишланган масалалар ёритилган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи боби беморлар тавсифига, шунингдек, фойдаланилган тадқиқот усулларига бағишланган. Тадқиқот 1995 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда «акад В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМда бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари бўлган 114 нафар беморда амалга оширилган режали пластик микрохирургик аралашув (майда қон-томир анастомозларини қўйиш билан лахтақлар аутотрансплантацияси, сақланиб қолган (табиий) қон-томир оёқчаларида аксиал лахтақлар билан пластика вариантлари, кўчирилган лахтақлар билан пластика ва эркин тери пластикаси) натижаларига асосланади. Қиёсий таҳлил учун шакллантирилган гуруҳларга кўра барча беморлар таққослаш гуруҳи – 51 нафар бемор (1995-2008 йй) ва асосий гуруҳга – 63 та бемор (2009-2021 йй) бўлинди. Асосий гуруҳда - 55,6%, ва таққослаш гуруҳида –58,8% кўрсаткич билан аёллар кўпроқ бўлишган. Юз ва бўйин юқори қисмининг ўртача нуқсонлари (50-120 см²) тенг миқдорда устун бўлди (11,8%). Беморларнинг аксариятида куйишдан кейинги бир томонлама ўрта-ёнбош чандиқли деформация кузатилди. Функционал бузилишларга кўра I даража (90° бурчаккача) ва II даража (45° бурчаккача) кўпроқ бўлди.

Диссертациянинг «**Бош ва бўйиннинг чуқур ва кенг куйиши нуқсонларини тузатиш учун микрохирургик аутотрансплантация натижаларини яхшилаш йўллари**» деб номланган учинчи бобида микрохирургик аутотрансплантациянинг техник хусусиятлари, таққослаш гуруҳида нуқсоннинг локализацияси ва қўлланилган лахтақлар натижалари таҳлили баён қилинган, асосий гуруҳда донор ва реципиент зона қон-томир хусусиятларини ўрганиш бўйича клиник-экспериментал тадқиқотлар давомида операцияларнинг тактик-техник жиҳатлари, шунингдек, микроанастомозни амалга оширишнинг техник омиллари ишлаб чиқилган. Олинган натижаларга кўра, бундай операциялар муваффақиятининг асосий омиллари куйидагилардан иборат: локал топографик-анатомик хусусиятларининг сифатли ҳисобини, режаларни оптималлаштириш ва операциянинг барча босқичларини аниқ амалга оширишни, хирургик, анестезиологик хизматларнинг самарали ўзаро таъсирини, қон-томир асоратларини ўз вақтида ташхислаш ва уларни хирургик бартараф этишнинг максимал эрта фаол тактикаси учун трансплантатларда қон айланиши ҳолатини динамик кузатишни таъминлайдиган юқори касбий маҳорат.

Лахтақларнинг майда қон-томир аутотрансплантациясининг афзалликлари куйидагилар: битта босқичда лахтақларнинг фаол қон айланиши мавжудлиги ҳисобига реципиент зоналар васкуляризациясини таъминлаш билан юмшоқ тўқималарнинг кенг нуқсонларини бир вақтда алмашлаш, шунингдек, бош ва бўйиннинг функционал-фаол жойларда куйишдан кейинги чандиқли нуқсонларни алмашлашнинг юқори хирургик самарадорлиги, чунки эркин лахтақ камроқ склерозланган, кечиктирилган лахтақларга қараганда юмшоқроқ ва чўзилган.

Диссертациянинг «**Бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари пластикаси учун микрохирургик аутотрансплантация**

натижалари» деб номланган тўртинчи бобда микрохирургик лахтаклар билан (торакодорзал лахтак (ТДЛ), курак лахтаки (КЛ)) реконструктив пластиканинг қиёсий натижалари таҳлил қилинган. Шу ўринда, бош соҳасида ТДЛ ва КЛни кўчириб ўтказишда операциядан кейинги асоратлар тузилиши ва частотасини таҳлил қилиш таққослаш гуруҳида 25% ҳолатда операциядан кейинги эрта даврда микроанастомознинг артериялар орасида, 12,5% ҳолатда веноз орасида тромбоз ҳосил бўлганини кўрсатди (1-расм). Асосий гуруҳда 7,1% беморда артериал қон-томир тромбози ривожланган.



1-расм. Бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсони бўйича ТДЛни кўчириб ўтказишдан сўнг иккиламчи тuzатувчи операцияси

Бўйин соҳасига ТДЛ ва КЛни кўчириб ўтказишда операциядан кейинги асоратлар орасида таққослаш гуруҳида операциядан кейинги эрта даврда 4% (50%) ҳолатда артериялар орасида, 2% (18,2%) ҳолатда тромбоз ҳосил бўлди. Асосий гуруҳда артериал ва вена қон томирлари тромбози 1 та (7,7%) ҳолатда аниқланди. (1-жадвал). Барча беморларга лахтаклар чети некрозида иккиламчи чоклар билан некроэктомия амалга оширилди. Лоскут некрозида кейин такрорий операция (аксиал лахтакни босқичли кўчиши) ўтказилди. Умуман, таққослаш гуруҳида бўйин нуқсонлари пластикаси учун ТДЛни қўллаш кам самарали бўлди –75% ҳолатда асоратлар кузатилди.

Бош соҳаси пластикасида барча лахтаклар учун асоратларнинг умумий частотаси таққослаш гуруҳида – 50%ни ва асосий гуруҳда 21,4%ни ташкил этди. Бўйин соҳаси пластикасида барча лахтаклар учун асоратларнинг умумий частотаси таққослаш гуруҳида – 63,6%ни ва асосий гуруҳда 15,4%ни ташкил этди (1-жадвал).

Барча беморларда узоқ муддатли натижалар қайд этилган. Уларни таҳлил қилиш бўйин ва юзнинг пастки қисмини куйишдан кейинги пластикасида ТДЛнинг паст самарадорлигини кўрсатди. Аниқ массив туфайли (мушак тўқималари ҳисобига) жағ-бўйин эгилган жойини ҳосил қилишда кийинчиликлар юзага келади. Умуман, бошнинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари пластикасида барча лахтакларни ҳисобга олганда яхши хирургик ва функционал натижалар таққослаш гуруҳида 50% ҳолатда ва асосий гуруҳда 71,4% ҳолатда, бўйин пластикасида – мос равишда 45,5% ва 76,9% ҳолатда

аниқланган. Эстетик планда бошнинг куйишдан кейинги чандиқли нуқсон пластикасида таққослаш гуруҳида 25% ҳолатда ва асосий гуруҳида 64,3% ҳолатда, бўйин нуқсонлари пластикасида эса мос равишда 36,4% ва 61,5% ҳолатда яхши натижалар олинган.

1-жадвал


Операциядан кейинги асоратларнинг умумий частотаси

Лоскутлар	Бош нуқсонлари				Бўйин нуқсонлари			
	Таққослаш гуруҳи		Асоси гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Асоратлар билан лахтақлар								
ТДЛ	3	50,0%	1	20,0%	6	75,0%	2	33,3%
кўшалок ТДЛ	0	0	1	16,7%	0	0	0	0
КЛ	1	50,0%	1	33,3%	1	33,3%	0	0,0%
кўшалок КЛ	0	0	0	0	0	0	0	0
Жами	4	50,0%	3	21,4%	7	63,6%	2	15,4%
Асоратлар кузатилган беморлар								
ТДЛ	3	50,0%	1	20,0%	6	75,0%	2	33,3%
Кўшалок ТДЛ	0	0	1	33,3%	0	0	0	0
КЛ	1	50,0%	1	33,3%	1	33,3%	0	0
Кўшалок ЛЛ	0	0	0	0	0	0	0	0
Жами	4	50,0%	3	27,3%	7	63,6%	2	18,2%

Яқин даврдаги асоратлар, айнан микроанастомоз тромбозининг лахтақ некрози билан ривожланишини ҳисобга олганда таққослаш гуруҳидаги 19 нафар беморнинг 5 тасида (26,3%) эркин тери пластикаси орқали такрорий реконструкция амалга оширилди. Асосий гуруҳида такрорий реконструкция фақат 1 та ҳолатда (3,7%) (27 та қайта кўчирилган лахтақлар) амалга оширилди. Трансплантат битганидан сўнг тузатиш аралашуви таққослаш гуруҳида 5 нафар (26,3%) беморда ва асосий гуруҳида 3 та (11,1%) беморда талаб этилди. Мос равишда муваффақиятли микрохирургик аутотрансплантация биринчи босқичда таққослаш гуруҳида 47,4% (9) ва асосий гуруҳида 85,2% (23) ҳолатни ташкил этди (2-расм).

Олиб борилган тадқиқотлар бош ва бўйин соҳасининг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари пластикаси учун лахтақларнинг майда қон-томир аутотрансплантациясига кўрсатмаларни конкретлаштиришга имкон берди. Микрохирургик аутотрансплантациядан фойдаланишга кўрсатмалар доираси қисқартирилди. Узоқ муддатли натижалар таҳлили бўйин соҳаси ва юзнинг пастки қисми куйишдан кейинги нуқсонлари пластикасида ТДЛнинг кам самарали эканлигини кўрсатди. Шунингдек, юз ва бош терисининг куйишдан кейинги кенг нуқсонлари пластикасида иккита лахтақ

реваскуляризациясининг ишлаб чиқилган вариантлари куйиш касалликларининг ҳатто ўткир босқичида бемор ҳаётини сақлаб қолиб (1 та ҳолат) нуқсонларни муваффақиятли ёпишга имкон беради.



2-расм. Микрохирургик лахтақлар билан пластик даволашда такрорий аралашувлар частотаси ва сабаблари

Умуман олганда, бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги нуқсонлари пластикаси учун микрохирургик аутотрансплантацияни амалга оширишнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш микроанастомоз тромбозлари ривожланиш частотасини 47,4% дан 11,1% гача ($p=0,006$) қисқартиришга ва шу билан бирга лахтақлар некрозини 26,3% дан 3,7% га ($p=0,025$) қисқартиришга имкон берди. Мос равишда узок муддатли яхши функционал натижалар частотаси 47,4% дан 74,1% га ошди, қониқарсиза натижалар эса 31,6% дан 3,7% ҳолатга ($p=0,031$) қисқарди. Яхши эстетик натижалар 31,6% дан 63,0% га ошди ($p=0,004$).

Лахтақлар майда қон-томир аутотрансплантациясининг асосий афзалликлари куйидагилардан иборат: битта босқичда юмшоқ тўқималарнинг кенг нуқсонларини бир вақтнинг ўзида алмаштириш имконияти; лахтақларнинг фаол қон айланиши мавжудлиги сабаб бирлаштирилган қон ўтказувчи томирлар билан реципиент зонани васкуляризациялаш имконияти; даволаниш ва ундан кейинги реабилитациянинг умумий давомийлигини қисқартириш; бош ва бўйиннинг функционал-фаол жойларида куйишдан кейинги чандиқли нуқсонни алмашлашда энг юқори хирургик самарадорлик, чунки эркин лахтақ камроқ склерозланган, кечиктирилган лахтақларга қараганда янада юмшоқ ва чўзилган бўлади.

Диссертациянинг «**Бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқли кенг нуқсонларини аксиал лахтақлар билан пластикасининг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида тадқиқот давомида ишлаб чиқилган бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги

чандиқли нусонинини аксиал лахтак билан реконструктив пластикаси усуллари ва йўллари кўрсатилган. Бош ва бўйиннинг чандиқли нуксонини реконструкция қилиш учун аксиал лахтакларни шакллантириш техник жихатдан оддий, қўшимча ускуна ва материалларни талаб этмайди; шунинг учун уларни қўллаш афзалроқ. Пластиканинг ушбу турининг камчилиги куйидагилардан иборат: трансплантат қоплама соҳасида нуксон мавжудлиги, лахтакнинг қон-томир оёқчаси узунлигига мос равишда етарлича чўзилмаслиги, бу эса аксиал лахтакдан фойдаланишни чеклайди. Аксиал лахтак билан пластик аралашув бир вақтда амалга оширилувчи лахтакларнинг микрохирургик аутотрансплантациясидан фарқли икки босқичда амалга оширилади. Бундан ташқари, аксиал лахтакнинг параметрлари доим ҳам кенг чандиқли нуксонларни ёпиш имконини бермайди.

Ушбу тадқиқотда бош ва бўйиннинг куйишдан кейинги чуқур ва кенг чандиқли нуксонлари бўлган беморларда пластика амалга оширилганини ҳисобга олган ҳолда реконструкциянинг уч шакли киритилган: дельтопекторал лахтак (ДПЛ) билан пластика; чакка-париетал лахтак (ЧТЛ) билан пластика (3-расм); эполет лахтак билан пластика (ЭЛ) (4-расм).



Дастлабки кўриниш



Пластиканинг биринчи босқичидан олдин МИП ўтказиш учун белги



Иккинчи босқич. Қон-томир оёқчасига ажратилган лахтак



Тери ости орқали туннель ўтказиш ва реконструкция зонасида лахтакни қоплаш

3-расм. Чакка-париетал лахтак билан пластика аралашуви



Пластиканинг асосий босқичлари



Пластиканинг узок муддатли натижаси

4-расм. Эполет лахтак билан пластика

Хирургик аралашув муваффақиятсизлигининг энг кўп учрайдиган сабаблари куйидагилардан иборат: лахтакни таъминлайдиган артериянинг перфоратив шохчаларини қоплайдиган мускулнинг зарарланиши; тайёрлаш вақтида ёки ҳаддан зиёд электрокоагуляцияда қон-томирларни таъминловчи лахтак зарарланиши; асосий қон-томирлар билан қон таъминотидан ташқарида лахтак ажратиш чегарасининг ошиши; таранг тортиб тикиш; лахтак бутун оғирлиги билан чокларнинг ҳаддан зиёд таранглиги; қабул қилинаётган ёнбошнинг сурункали яллиғланиши натижасидаги инфекция.

Шунга қўра, аксиал лахтакларни фақат мажбурий «мустаҳкамлаш» босқичидан сўнг қўллаш мумкин, бунинг учун қон-томир оёқчасида лахтакни ёнбошда кўтариш ва тескари тикиш орқали «мустаҳкамлаш» босқичи билан биргаликда тери-мускул лахтакни шакллантиришда лахтакда тўқима комплексларида қон айланишини яхшилайдиган ва мос равишда некроз ривожланиш хавфини камайтирадиган локал ва масофавий ишемик прекоңдиционирлаш (ЛИП ва МИП) усулини қўллаш таклиф этилди.

Таклиф этилган усул локал ва масофавий иқлим ҳосил қилиш таъсирида лахтакни мустаҳкамлаш босқичини кучайтириш ҳисобига локал қон айланишини яхшилашга йўналтирилган, бу операциянинг тайёргарлик ва реконструктив босқичларини бажаришда ишемияга чидамликни оширади, некротик асоратлар эҳтимолини қисқартиради, шунингдек, лахтаклар битиши жараёнини тезлаштиради ва яхшилади.

Кейинги ишлаб чиқилган усул иккита аксиал лахтакни қўллашдан иборат бўлиб, бош терисининг куйишдан кейинги чандиқли нуқсонлари реконструкцияси учун уларни шакллантириш техник оддийлиги ҳамда қўшимча ускуна ва материал талаб этмаслиги билан тавсифланади, шунинг учун кенг нуқсонлар мавжудлигида уларни қўллаш афзалроқ. Реконструкция жойига яқин жойлашиши, операция техникасининг оддийлиги одатий хирургик бўлимларида, шу жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида чаноқ суякларининг куйишдан кейинги чандиқли

деформацияси пластикаси учун чўзилган кўшалок аксиал лахтакдан кенг фойдаланишга имкон беради. Ушбу усул учун ЎзР Интеллектуал мулк агентлигининг ижобий қарори олинган («Бош суягининг юмшоқ тўқималари нуқсонларини ёпиш усуллари», 2020 йил 20 февралдаги IAP 2019 0067 -сон кашфиёт учун патентга ариза).

Кейинги йўналишда тоғай бўлаги имплантацияси билан мураккаб тузилмали лахтакни қўллаш ўрганилган. Тоғай трансплантатни фаол қон билан таъминловчи лахтакга олдиндан имплантациялаш ундан кейинчалик юз соҳаси нуқсонлари реконструкцияси учун фойдаланиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олдиндан тайёрланган комплекс шаклланиши учун лахтаклар орасида энг оптимали асосий қон таъминоти билан дельтопекторал тери-фасциал лахтак ҳисобланади. Ушбу лахтак бош ва бўйиннинг нуқсонларини алмашлашда пластик хирурглар томонидан кенг қўлланилади.

